

Фолбин рост гапирса, унинг гапига ишониш керакми?

17:05 / 05.12.2017 9605

Савол:

Ассалом алайкум. Сизга берадиган саволим куйидагича. Авваллари ҳам бу сайтда маслахат сўраб ёзган эдик. Эрим томонидан гуноҳ иш ўтганлиги сабабли масжидга бориб қилинган гуноҳ учун тавба қилган эдик. Аммо менинг кечиримим кийин бўлди, ажрашмоқчи ҳам бўлдим. Масжиддаги домла менга 1 ой давомида ҳар куни 100 мартадан ихлос суръасини ўқишимни ва ажрашиш қароримдан қайтишимни буюрган эдилар. Лекин айтдилар, агар ихлос суръасини айтилган муддат ичида ўқимасам жазоси оиламга ёки ўзимга таъсир қилиши мумкин деб. Бошида ушбу дуоларни ўқиб юриб ҳақиқатдан да енгил топдим. Лекин айтилган ишни охиригача қилмадим. Аллоҳга шукур ҳозир яшашимиз яхши. Аммо 1 ойча бўлди кичик фарзандимнинг чап кузида «кетиб қолиш» кузатила бошланди. Жуда ҳам йиғлоқи, 1, 5 ёш бўлса да бирорта сўзни гапиролмайдиган, бир нарсалардан қўрқадиган бўлиб қолди. Духтирга курсатдик, у бизга дориларни буюрди. Аммо уларнинг натижаси хали билинмади. Бугун еса бир ёмон иш қилиб куйдим. Бир кушним менга бир фолбин борлигини, телефондан ҳам фол оча билишини айтди. Кизимнинг соглиги ҳақида суряман деб унга қунгироқ қилдим. Фолбин аёл узимдан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарсаларни, хаттоки буйнимдаги такинчоғим, танамнинг оғриётган ерлари ҳақида ҳам менга айтди. Кизимнинг кузи ҳақида ҳам айтди, . Бунинг сабабини еса бизнинг масжидга бориб, қилишимиз лозим бўлган ишни охиригача етказмаганлигимиз сабабли деди (вахоланки мен бу ҳақда умуман ҳеч қаерда гапирмаган эдим) ва 1 ой давомида 3 марта масжидга бориб домлага дам солдиришимизни айтди. Илтимос, ушбу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Фолбиннинг гапига ишониш керакми? Умуман унинг айтган гаплари тўғрими?

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

— Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фолбинлар рост гапирсалар ҳам ёлғончи эканларини таъкидлаганлар. Сиз унинг гапини тасдиқламанг.

Катта гуноҳ
бўлади. Шифони Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўранг.